



Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик  
ва дизайн институти “Бадий кулол ва  
Меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш”  
кафедраси доценти Ф.Х.Исламов

**IX аср иккинчи ярми ва XIII аср Афросиёб кулолчилик буюмларида безак  
сифатида қўлланилган эпиграфик ёзувлар ва уларни таъмирлашдаги  
муаммолар.**

**Аннотация:** Мазкур мақолада асосан Ўзбекистон кулолчилигининг қадимги Афросиёб кулолчилигида қўлланилган эпиграфика ва уни таъмирлашдаги ўзига хос илмий ва ижодий жараёнлар ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** *эпиграфика, Моворауннахр, афоризм, ислимий, таъмирлаш, қўрғошинли сир, қалайли глазур.*

**Аннотация:** В данной статье рассматривается эпиграфика, использованная в Древней Афрасиабской керамики, а также конкретные научные и творческие процессы в ее реставрации.

**Ключевые слова:** *эпиграфика, Маворауннахр, афоризм, растительный орнамент (ислими), реставрация, свинцовая глазурь, оловянная глазурь.*

**Annotation:** This article examines the epigraphy used in Ancient Afrasiab ceramics, as well as specific scientific and creative processes in its restoration.

**Keywords:** *epigraphy, Mavoraunnahr, aphorism, floral ornament (islami), restoration, lead glaze, tin glaze.*

X асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд сирли кулолчилиги энг ривожланган даври бўлган. Бу даврда қўрғошинли сир яратилган. Бу эса сирли кулолчиликнинг кенг тарқалишига сабабчи бўлган. Маҳсулотнинг туси, фони, замини бўйича ёрқин, қизил ва қора тусли заминга бўлинган; қўрғошинли – мисли сир кулолчилиги – яшил рангли сирли кулолчилиги, қўрғошинли – яъни қалайли остидаги кулолчилик глазури оқ рангда бўялган.

Ҳар бири уч гуруҳ қўрғошинли сир кулолчилик шакллари ва нақшинкорлиги билан бўлинган. Кулолчилик буюмларда эпиграфик безаклар, тўлқинли, нақшинкор,



рангли тасма ва фестончали (тугмали) аркатура билан анор, зооморфли ва антропоморфли мотивлар, бир – биридан ажралиб турган.

IX – X аср бошларида Афросиёбда ишлаб чиқарилган кулолчилик буюмлар, шу даврда ихтиро қилинган бўёқлар билан нақшланган. Бу даврда янги бўёқлар пайдо бўлган. Тиллали – пистоқи ранглар, шунингдек нақшлар манерасида сояли ўринга, чизик – хошияли, доғли ва икки чизикли нуқталар билан тўлдирилган. Нақш қўлланилган, нозик чизиклар билан расмнинг хошияси чизилган. Ва замин тўлдирувчи бўлиб хизмат қилган.

Қуйида ёпиқ шаклли кулолчилик идишлар билан, очик шаклли сопол идишлар кўриб чиқилган. Кўза кўринишидаги идишлар. Шар кўринишли қомат чиқиб турувчи ясси таг асосга қўйилган, доирали елкалари кескин синиш билан пастга кенгайиб боровчи конуссимон бўйинга ўтган. Мутаносибликлар сақланган. Қисмлар чизикларнинг алоҳида ажралиб чиқишига қарамай профилдан кўриниши қулай бўлган. Яна идишнинг хусусияти тик ва ихчам бўлган. Бу шаклларнинг айримлари дастага эга бўлган. Улар бўйиндан кўтарилиб ва қорингача тушган. Пардозлаш усули турлича бўлган: эпиграфик безаклар, нақшинкор безаклар, ўсимликсимон безаклар.

Эпиграфик безаклар. Кулолчилик буюмларида (лаган, ликопча, косаларда) эпиграфик ёзувлар айлана бўйича жойлашади. Кўзаларда баъзан дастаси ёзувнинг бошланиши ва охирини белгилайди. Ёзувларда бошқа безаклар қўлланилмайди. Насхи хатида ёзувлар нуқтали безаклар холида бўлади. Бу ёзувли безаклардан ташқари, нақшинкор ўсимлик бандлар билан ёки уч баргли гулчалар жойлашган ҳолда уйғунлашади. Кулолчилик буюмлардаги эпиграфик ёзувларнинг мазмунлари яхшиликка чорлайди. Шу давр (IX – X асрлар) га тегишли, кулолчилик буюмларидан бирида, ёзилган гапнинг маъноси шундай, “унинг эгасини оллоҳ ёрлақасин”.<sup>6</sup> Ашёнинг пластик хусусиятини қулай қўлланиши унинг эгилувчанлигига имконият берган ва профил чизикларнинг ягоналиги шаклнинг ифодавийлигини кучайтиради. Безак айлана композиция бўйича чизилган. Бу ҳолатда шу қисмларга мос келувчи, безаклар тўғри танланган. Қизил, тўқ-жигарранг ва тиллали – бодомсимон пистоқи бўёқлар нақшинкор безакларни колоритига иссиқлик беради ва уни жонлантиради.

<sup>6</sup> Тошхожаев Ш.С. Самарқанднинг IX – XIII аср бошлари сирли кулолчилиги. – Тошкент: “Фан” 1967. – 156.



Ёзувлар нақшинкорона ва тўлиқ шаклга мос тушади, унинг конструктив ўзига хослигини ва унинг ифодавий эмоционаллигини кучайтиради.

Унча катта бўлмаган кўзачалар. Тухумсимон кўринишдаги қомати чиқиб турувчи ясси тагликка қўйилган. Кескин юмалоқланган елкалари унча катта бўлмаган тик, адл қомат ила бўйинга ўтади. Уларнинг бўйинлари ўртасигача кўтарилади ва қорингача тушади. Профил чизиклари жуда юмшоқ, шаклли оддий ва қулай. Баъзи кўзалар бурунчаларига эга бўлган. У шаклга сезиларли ўзгаришлар киритмайди улари қандай бўлса шу холида қолаган.

Нақшинкорлик қатъий ва оддийлиги билан фарқланади. Безаклар қориндан юқори қисмда жойлашади. Йирик кўзаларнинг орасида учрайдиган эпиграфик мотивлар, бадий насҳида бажарилган бўлиб, улар хуш тилакли ёзувлар билан характерланади. Масалан: “Оллоҳ ёрлақасин, соғлқ ва бахт тилак” билдирилади. Кўзаларнинг бирида қора заминда (фонида) оқ бўёқ билан айлана бўйича ёзув киритилган. Шундай кўзалар топилганки, улардаги ёзувлар бадий насҳида бажарилган. Харфлар тўқ – жигарранг нуқталар билан жойлашган. Баъзида кўзанинг қорнида, окис марганец билан қопланиб, унга оқ нуқталар туширилган. Вазалар. Ясси тагликдан юқorigа чиқиб боровчи кенгайиб, қоматнинг деворчалари ва эгилувчанлик билан айлана бўйлаб, унча катта бўлмаган бўйинчаларга ўтади. Яхши намуналар холли нақшлар билан қопланган, кўринишда у айланаётганда ўқ бўйича идиш атрофида ҳисобга олинган. Эмоционал ва нақшларнинг рангдорлигини оширади. Ўлчамларнинг мослашувида қисмларни бузилиши шаклнинг безагини ифодавийлигини кучайтиради. Бундай ҳолатни паст бўйли вазаларда кузатиш мумкин, қаерда қоматнинг баландлиги озаяди ва кенгаяди ва доғли нақш ўрнига ёзув пайдо бўлади.

Яна кулолчилик идишлардан сиёҳдонлар бўлиб. Улар битталиқ ва жуфтли бўлади, цилиндрик шаклга эга. Баъзи бирлари қизил фонда уч бурчаглар билан қопланади. Ёки тўртбарглар, гуллар билан қопланади. Бир сиёҳдоннинг юқори лабида араб ёзувига эга у ёмон сақланган, у клолчилик курсиви билан бажарилган. Самарқанд сиёҳдонлари қуваликларникидан шакли бўйича фарқланади<sup>7</sup>.

<sup>7</sup> Ахоров. И. Средневековые чернильницы с города Кува, “Общественные науки в Узбекистане”, 1962, №1, стр.61.

<sup>3</sup> Вяткин В.Л. Афрасиаб – городище бывшего Самарканда. – Ташкент, 1927. – №4. Стр 51, рис 62





Яна Самарқанд кулолчилигида дастали қадахлар ҳам ишлаб чиқарилган. Улар ярим юрак кўринишидаги дастага эга бўлган. Тўғри деворчалар кенгайиб ва айлана бўйлаб чиқиб турувчи ясси тагликка ўтади. Шундай пиёлалардан бирининг қорнида гуллаётган куфи харфи бўйча ёзувларнинг қолдиқлари сақланиб қолган. Ундаги ёзувни мазмунида “унинг хўжайинини оллоҳ ёрлақасин” деган маънони ўқиш мумкин.

Кулолчиликда мой чироқлар ҳам ишлаб чиқарилган. (ёритгичлар). Чироқ халқа кўринишидаги даста (юрак кўринишидаги) шаклга эга бўлади. Юмалоқ чуқурча, ундан узун бурунча ўсиб чиққан, баъзи чироқларни ёзувлари билан сўзлари безайди, “оллоҳ ёрлақасин” ва халқалар билан безалади.<sup>8</sup> Навбатда асосий очик шаклларни кўрамиз: косача, пиёлалар, мискалар, дастали қадахлар, жомлар, ликопчалар ва лаганлар, уларда профиллари ўтган даврга таққослаганда ҳеч қандай конструктив ўзгаришларга учрашман.

Очик ва ёрқин тусли идишлар. Эпиграфик безаклар. X асрнинг иккинчи ярми Самарқанд кулолчилигини араб хусни хатининг турлича ёзувлари билан безатишган. Археологлар Е. Шредер ва В. А. Крачковскаянинг ишларида араб алифбосини қатий куфийнинг бадий насхидаги хусни хатининг эволюциясини кўрсатганлар. Улар тасвирий санъатнинг турли хил буюмларида учрайди<sup>9</sup>.

1. Оддий куфи. Тик ва қатий чизилган ҳарфлар бу хусни хатнинг ҳарфлари, қоида бўйича, у идишнинг ўлчами бўйича хажми билан мослашади. У ўтган давр учун характерли. X асрнинг иккинчи ярмидан ўзининг характери бўйича куфи ва бадий насҳи ўртасида турувчи хусни хати қўлланилган.

2. Кўшимчаси билан оддий куфий. Уларга кўринишича кўшимча қилинган ҳарфларнинг охири қанчалик улар учун характерли. Одатда улар идишнинг ўлчамидан келиб чиқмайди, бирдек кенгликда уланишади ва кулолчилик буюми безида бошқа нақошлик безаклари билан уйғунлашмайди.

<sup>4</sup> Schroeder E. What was the Badi script?, Ars Islamica, vol. IV, 1937, p. 232 – 248.



3. Гуллаётган куфи. Бу хусни хат кўринишича оддий куфининг қушчалари билан келгусидаги ривожланишининг натижасидир. У сополнинг шакли билан келишган ҳолда идишнинг келгусидаги ривожий шакли билан турли хил безакларнинг композициясини безайди ва ўсимликсимон безакларга эпиграфик нақшинкорликни бахш этади. Бадиий насхи хуснихати. У бир нечта ҳарфларни юмалоқланган чизгиси билан характерланади. У майда насҳига яқин, аммо баъзи ҳарфларнинг ёзилиши аъло. Бу хусни хат йирик ва майда бўлади. Охиргиси “ал-йўмин” типиаги хуш тилакларни фақат узлуксиз ёзилиши учун қўлланилади. Ёзувлар мазмуни бўйича хуш тилакли ва ҳар хил мазмунларга бўлинади. Хуш тилакларни кейинги шаклларда учратилади “Соғлиқ ва бахт ва омад”.

Тадқиқотчилар таъкидлайдики. Хуштилакли сўзнинг бирида –“хўжайинни оллоҳ ёрлақасин” каби хуш тилаклар энг кўп тарқалган<sup>10</sup>.

Кўп ҳолларда хуш тилаклар бир сўз билан – “благославение”, “Оллоҳ ёрлақасин”, аста секин ушбу сўз стилизациялашиб, нақшга айланиб кетади.<sup>11</sup> Бир қанча ҳолатларда шундай тилаклардан иборат ҳарфларнинг охири хуштилаклар билан қушчанинг бошчаси кўринишида тугалланади<sup>12</sup>. У сўзларда “Тўкин сочинлик” ёки “узоқ” каби хуш тилаклар X асрнинг иккинчи ярми Самарқанд сирли кулолчиликда кам учрайди, лекин уларнинг оммавий пайдо бўлиши XI асрга таллуқли. “Саломатлик учун энг” – сингари хуштилак, унчалик тарқалмаган<sup>13</sup>.

Но стандарт характерга эга бўлган ёзувларни ҳисобга олган ҳолда, қуйида биз томондан яхлит ва шунингдек ва узилган ёзувлар талланганлари санаб ўтилади. Балки келгусида уларни шундай типдаги топилмалардан тиклаш мумкин бўлар.

О.Г.Большаков Самарқанд кулолчилик буюмларидаги эпиграфик ёзувларни ўқиган. Уларнинг маъноси қуйдагича бўлган. “Ўқиш (илм олиш)нинг таъми аввал аччиқ, охиридаги (натижаси) асалдан мазали”. Бағрикенглик – бошловчиларга хос

<sup>10</sup> Большаков О. Г. Арабские надписи на поливной керамике Средней Азии IX – XII вв. Москва: “Искусство” 1959, стр.27.

<sup>11</sup> Flury.S. Ornamental kufie inscriptions on Pottery, SPA, vol. 2, p. 1752, Une formule epigraphique de la ceramique de l'Islam, “Syria”, vol. 5. 1924, p. 53

<sup>12</sup> Ettinghausen.R. “The wale cup” in the Ceeualenlmuseum of Art, its origine anl lekoration. Ars olentalis. vol.2.1957, p.357.

<sup>13</sup> Большаков О.Г. Арабские надписи на поливной керамике Средней Азии IX – XII вв. – Москва: “Искусство” 1959, стр.82–87.



хусусиятдир”, “Бағрикенглик – шараф ва борлиқнинг кўриқчиси”, “Сабр – қувонч ва бахт калити”. Уларнинг такрорий ўхшаш нусхалари таржима қилинмаган. Қуйида ўқилган ёзувлар баён қилинади.

Унча катта бўлмаган товоқчада, (унинг ички диаметри) айланси бўйлаб ёзувлар жойлашган бўлиб, унинг нафақат мазмуни бўйича, балки чизгиси бўйича ҳам тик белгилар қўйилган, Самарқанд сирли кулолчилигида кам учрайди<sup>14</sup>.

Шайтоннинг (ҳийласи) маккорлиги – химоя қилувчининг қуроли. 1959 йилда Г.В. Шишкин томонидан топилган клолчилик буюмларида сўзлар мазмуни ўзгача бўлган. “Хитрость и доброе дело дают силу войску”, ёзуви жойи лаганнинг лабига айлана бўйлаб ёзилган, охири ва бошланишлари орасига барг кўринишидаги нақш қўйилган: У “тўкинлик” сўздан бошланади, кейин узилади (идишнинг бир қисми синган) ва янгитдан бошланади. “мусилманка” – мусилмон аёл сўзи ёзилган.

Бошқа лаганнинг ярим лабида ўзгача ёзилган: Унда “решение вопрос рабам”. Таржимаси: “Хал қилиш қулларга боғлиқ” деган мазмунга эга.

Бошқа конус кўринишидаги шаклли<sup>15</sup> идишнинг ички қирғоғида (лаби) да ёзувнинг узилиб қолган қисми сақланган: ушбу ёзувда “Он сказал. Терпение – украшение здания”. Таржимаси “У айтган “Чидам – бинонинг беағи” маъносини билдиради.

Самарқанд музейида сақланаётган икки унча катта бўлмаган идишда шу каби мазмунга эга. Унда ёзилишича “Айтчи, худо химоячи эмасми” сингари сўз ёзилган. Кўзанинг танасида қуйидагича изоҳ сақланган. Ярим сферик шаклли идишда унинг ички лабида концентрик композициясида қуйидаги сўз бор: “Слава, вера и рай” таржимаси, “Шараф, ишонч ва жаннат”.

Худди шундай мазмун бироқ, тугалланмаган сўз бошқа идишда М.С. Столяровнинг тўпламида бор, у ўлчами бўйича бир мунча кичик бўлган.

Конус кўринишидаги қоматга эга бўлган идишнинг қирғоғида симметрик тарзда тўрт сўз қайтарилган. Унинг ёзилишича “Ўлим – энг хайрли, бойлик – заҳира”.

<sup>14</sup> Большаков О.Г. Арабские надписи на поливной керамике Средней Азии IX – XII вв., ЭВ, XVI. – Москва: “Искусство” 1959, стр.35–55.

<sup>15</sup> Рахимов М.К. Художественная керамика Узбекистана.: – Ташкент 1961. – 67 б.





Навбатдаги унча катта бўлмаган вазанинг безагида қуйидаги фикр жамланган. “Самый убедительный довод – вечность”, таржимаси ”Энг ишонтирадиган хотима – абадийликдир” дейилган.

Ярим айлана, қия шаклдаги мисканинг ички шакли бўйлаб доира бўйича ёзув қўшимча қилинган: у бир нечта қисмдан ташкил топган; рассом кулол жойни аниқ ҳисобга олган ва ёзувнинг учинчи қисми “вав” иттифоқига кирган ва биринчи ҳарф “дал” кейинги сўзни берган.

Мазкур Самарқанд, “Афросиёб сирли кулолчилиги” таъсири остида ишлаб чиқарилган сопол идишларнинг турли вақтларда, Моворауннахрнинг турли ҳудудларидан топилган кулолчилик буюмларидаги қўлланилган эпиграфик безакларнинг мазмуни ўша буюмнинг яратилган даври, вақтига қараб турлича мазмунга эгаллиги маълум бўлди. Лекин уларда қўлланилган сопол ишлаш техникаси ва технологияси, ишлатилган ашёси Афросиёб сирли кулолчилиги анъаналари асосида яратилган. Уларда қўлланилган эпиграфик ёзувларда айнан Афросиёб сирли кулолчилигидаги эпиграфик ёзувларга хослик сезилиб туради. Демак, кулолчилик буюмлардаги қўлланилган эпиграфик ёзувларнинг ҳозирги кунда таъмирлашга эҳтиёж бор бўлганларини ўша Афросиёб технологияси бўйича таъмирлаш ишлари махсус амалий иш жараёнида олиб борилади.

Доғли нақшлар. Шундай безаклар билан идишлар X асрнинг иккинчи ярмида кенг тарқалган. Бу гуруҳ кулолчилигига турли хил орнаментли нақшлар ишлатилган идишлар киради. У сграфитто техникасида бажарилган.

Кулолчилик безакларининг илғор нақшлари бўйича бир нечта типга бўлинади.

1.Эпиграфик безаклар. Битта лавҳада учраган ва у Самарқанд музейи фондининг В.Л.Вяткин (коллекцияси) тўпламлари орасида сақланади. Бу очик шаклли чиқиб турган ясси тагликнинг ичкарисининг сиртида сақланган ёзувларнинг қисми бўлиб, у турли хил қатий куфида бажарилган. Бундан ташқари зооморфли, ислимий мотивлар ҳам киритилган. Бошқа идишларда келгусида кучсизланиши шундай даражага етадики, яъни тўлқинлар билан доира орасида доғ қўядилар, у нақшлар ўрнига ёрқин ажралиб турувчи ёрқин доирачалар идишнинг айланаси бўйича қўйиб чиқилган. Улар учун тўлқин айланали доғлар билан (фон) замин вазифасини ўтайди. Бу безакда жуда унумли қўлланилган “чалғитиш”, нақшни қуриш



натижасида яратилган. Бундай типдаги нақшлар ёзувлар билан уйғунликда қўлланилади.

Ёзувлар уч хил кўринишдаги хусни хатда бажарилади: куфи ёйилганликлиги билан, тўхтовсиз майда бадий кулолчиликда қўлланиладиган ёзувлар билан ҳам қўлланилади.

Уларнинг орасида илк бор бир сўзни, яъни “барака” сўзини икки марта такрорлайди.

Шунингдек, сабаб қилишга чорловчи ёзувларнинг қисмини сақлаб қолган: “Терпение – ключ радости”, “Сабр – кувонч калитидир”, сўзи насҳида бажарилган.

Кўринишича, ҳар доим бош нақш қулай қийинлашган масалан: тўлқинларни ярим доирада бўлиши ва уларни қарама – қарши томонга қўлланилиши билан нақшнинг енгиллиги ва ритмиклигини бузган. Тушувчи тўлқин эса идишнинг унча катта бўлмаган қисмини эгаллайди. Натижада унда эпиграфик безакли, ўсимликли ва чизиқли нақшлар билан уйғунлашиб қўллашга имкон беради. Бир рангнинг қўлланилиши, нақшларнинг оддийлигини ва қатийлигини кучайтирган, шаклнинг нафислигини оширган. Бундай хилдаги оддий нақшинкорлик Тункет шаҳарчасидан топилган идишда учратилган<sup>16</sup>.

Афросиёб сирли кулолчилиги бўйича кўплаб илмий манбалар, жаҳон музейларида сақланаётган Афросиёб кулолчилиги кулолчилик устахоналарида ишлаб чиқарилган сирли кулолчилик буюмларида қўлланилган эпиграфик ёзувлар, уларнинг тарихи, яратилиш жараёнида қўлланилган ашёлари, уларнинг таркибини назарий ва амалий тарзда ўрганган ҳолда мазкур буюмларни амалда таъмирлаш жараёнларни ҳам амалга оширишга муваффақ бўлинди. Ушбу мавзу, яъни амалий санъат буюмларида айниқса, сирли кулолчиликда қўлланилган эпиграфика изланувчи магистрантнинг бу борадаги амалий ашёларни техник технологияларини қўлланилиши илмий ишнинг асосини ташкил этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, яъни Самарқанднинг IX ва XIII асрлар Афросиёб сирли кулолчилиги ўзининг катта ривожига эга бўлган. Хусусан кулолчиликда қўлланилган эпиграфик ёзувлар бўйича илмий ишни мавзу қилиб

<sup>16</sup> Буряков.Ю.Ф. Художественная керамика Самарканда IX – XIII вв. – Тошкент: 1967. стр 50 .





олиниши ва уни амалда ўша давр Афросиёб сирли кулолчилиги технологияси бўйича амалий тарзда таъмирланиши мазкур илмий ишнинг янгилигини ва ҳозирги кун учун долзарб аҳамиятга эгалигини кўрсатиб турибди. Ушбу мақола ўз ичига кенг миқёсдаги илмий тадқиқот ишини ёритишни мақсад қилиб олган ҳолда келгусида шу йўналиш бўйича яратилган ноёб Афросиёб сирли кулолчилиги доирасида яратилган буюмлар ва ҳозирда дунёнинг кўплаб музейларида сақланаётган намуналари асосида уларни таъмирлаш, тиклашга бўлган интилишни ёритишни назарда тутган. Шу билан бирга ҳозирда Ўзбекистонда маданий мерос буюмларини асраш, тиклаш ва уларни сақлашга катта аҳамият берилаётган бир вақтда мазкур таъмирланган, тикланган сирли кулолчилик буюмларини кўргазмаларда намоёйиш қилиб, ўша бир вақтлар шуҳрати оламга ёйилган Афросиёб сирли кулолчилигини довуғини қайта тиклашга қаратилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Тошхожаев Ш.С. Самарқанднинг IX – XIII аср бошлари сирли кулолчилиги. – Тошкент: “Фан” 1967. – 156.
2. Ахроров. И. Средневековые чернильницы с города Кува, “Общественные науки в Узбекистане”, 1962, №1, стр. 61.
3. Вяткин В.Л. Афрасиаб – городище бывшего Самарканда. – Ташкент, 1927. – №4. Стр 51, рис 62.
4. Schroeder E. What was the Badi script? *Ars Islamica*, vol. IV, 1937, p. 232 – 248.
5. Болшаков О.Г. Арабские надписи на поливной керамике Средней Азии IX – XII вв., ЭВ, XII – Москва: “Искусство” 1959, стр. 27.
6. Flury. S. Ornamental kufic inscriptions on Pottery, SPA, vol. 2, p. 1752, Une formule epigraphique de la ceramique de l’Islam, “Syria”, vol. 5. 1924, p. 53
7. Ettinghausen. R. “The wale cup” in the Ceeualenlmuseum of Art, its origine anl lekoration. *Ars olentalis*. vol. 2. 1957, p. 357.
8. Большаков О.Г. Арабские надписи на поливной керамике Средней Азии IX – XII вв., XV. – Москва: “Искусство” 1959, стр. 82–87.
9. Большаков О.Г. Арабские надписи на поливной керамике Средней Азии IX – XII вв., ЭВ, XVI. – Москва: “Искусство” 1959, стр. 35–55.
10. Рахимов М.К. Художественная керамика Узбекистана.: – Ташкент 1961. – 676.
11. Буряков. Ю.Ф. Художественная керамика Самарканда IX – XIII вв. – Тошкент: 1967. стр 50 .